

Fidoyilik — vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

2022-yil 8-mart, seshanba, 27 (23.594)-son

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz


**КУН ҲИКМАТИ**

Қадрланган аёл турмуш ўртоғининг ўзига чинакам қалқонлигини сезади

**Хотин-қизлар ва оила масаласи – бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир. Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади. Дуогўй момоларимиз, муштипар оналаримиз ва азиз опа-сингилларимиз бу эҳтиром ва эътиборнинг албатта қадрига етадилар. Аёл қадри, инсон қадри улуғланган юртда эса, тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва барака албатта барқарор бўлади.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ.




# АЁЛ БОР ЖОЙДА АДОЛАТ БЎЛАДИ

**Бу йил хотин-қизлар қутланадиган баҳор айёми ёмғирли кунлар билан бошланди. Ёмғирни кайфияти учун яхши кўрадиган аёллардан фарқли равишда уни эл-юрт ризқи деб қараб, бу табиат неъмати учун шукрона айтадиган аёллар сони кўпроқ.**

Бу йил вилоят миқёсида ўтказилган байрам тадбирларида ана шундай – эл ризқ-рўзи учун жон куйдирадиган, оиласидаги меҳр чироғини ёритиб, фарзандлари тарбиясию камоли йўлида бор имконини ишга солаётган аёллар иштироки таъминланди.

Турли соҳаларда меҳнат қилиб, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, жамоада ҳурматга сазовор бўлган, оиласи хотиржамлигини таъминлаб, қўни-қўшниларига ибрат бўлган хотин-қизлар жамланган асосий байрам тадбири ўзгача шукуҳда ўтказилди.

Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов йиғилганлар, улар тимсолида самарқандлик барча хотин-қизларни байрам билан қутлади.

-Бугун аёл, она деганимизда шиддат билан ривожланаётган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида биринчилар қаторида янгиликларни амалга ошираётган, оиласи хотиржамлиги учун фидо бўлаётган мўътабар оналар, опа-сингиллар кўз олдимиздан ўтади, - деди Э.Турдимов. – Мамлакатимиз раҳбари бошчилигида ҳар йили хотин-қизларнинг таълим олиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, қолаверса, ижтимоий ҳимояси йўлида қатор янгиликлар амалга оширилмоқда, улар учун ҳаётнинг турли жабҳаларида шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугунги кунда вилоятдаги юзлаб ташкилотларни хотин-қизлар бошқармоқда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда 200 нафарга яқин, тиббиёт муассасаларида 4 минг нафар шифокор аёллар фаолият кўрсатмоқда. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Мен доим таъкидлайман, аёл раҳбарлик қилаётган ташкилотда адолат, озодалик, ишга нисбатан масъулият ҳукмрон бўлади.

Анжуман давомида вилоятдаги бир гуруҳ аёлларга "Мўътабар аёл" кўкрак нишони топширилди. Шунингдек, турли соҳаларда меҳнат қилиб, эл-юрт корига яраётган хотин-қизларнинг бир гуруҳига вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

-"Мўътабар аёл" нишонига сазовор бўлиш ҳар қандай эътирофдан юксак бўлса керак, - дейди Қўшработ тумани "Янги қишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Новвотой Шодиева. – Мен бир неча йиллардан буён маҳалламизда хотин-қизлар масалалари бўйича ишлаб келмоқдаман. Шу йиллар давомида аёлларнинг саломатлиги, моддий аҳволи, иш билан бандлиги масалалари тизимли ўрганилаётгани ва бу ўрганишлар қоғозда қолиб кетмай, амалда ҳам уларга зарур ёрдам ва тавсиялар берилаётганида бевосита иштирок этмоқдамиз. Ёшим 70 га яқинлашган бўлса-да, бундай ўзгариш ва янгиликлар мени янада шижоат билан ишлашга руҳлантириб туради.

Байрам тадбири пойтахтдан келган ҳамда самарқандлик санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар ҳамда рақслар билан ўзгача файзли ўтди.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**
**Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

# ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАНЛАР

**Президентимизнинг "8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига асосан давлат ва жамият ҳаётида ўзининг самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида Самарқанд вилоятидан қуйидагилар бор:**

**"МЕҲНАТ ШУҲРАТИ"** ордени билан

**УМУРЗОҚОВА Меҳринисо** – Булунғур туманидаги якка тартибдаги тадбиркор





**"ДЎСТЛИК"** ордени билан

**АЛИМОВА Гавҳар Зайировна** – Каттақўрғон шаҳри ҳокими

II даражали **«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»** ордени билан

**ГЛАДКОВА Татьяна Сергеевна** – Самарқанд олимпия захиралари коллежининг енгил атлетика бўйича бош мураббийси





**"СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН"** медали билан

**СУЮНОВА Умида Хўрозовна** – Самарқанд шаҳридаги 59-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

**"СОҒЛОМ ТУРМУШ"** медали билан

**САФАРОВА Гулмира Каримовна** – Иштихон туманидаги "Мохпар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси



**"ШУҲРАТ"** медали билан

**МИРЗАЕВА Гулшан Бахтиёровна** – "Тадбиркор аёл" уюшмасининг Нуробод тумани бўлими раиси





**"ШУҲРАТ"** медали билан

**ХОЛОВА Мақсуда Асатовна** – Каттақўрғон туманидаги "Темур мусаффо қурилиш" масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси

**"ШУҲРАТ"** медали билан

**ҲАКИМОВА Сабина Муратовна** – Тойлоқ туманидаги "Тоҳирбек сифат савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари



## Моҳира Азимова:

# ЭРКАК ВА АЁЛ

## ҳуқуқларини бирдек ҳимоя қилишимиз зарур



**Самарқанд вилояти Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази раҳбари Моҳира Азимова узоқ йиллардан буён бевосита хотин-қизларнинг ҳаётига оид масалалар билан шуғулланиб келади. Моҳира опа раҳбарлигида фаолият юритаётган марказ ходимлари бор-йўғи уч нафар – раҳбар, психолог ва иш юритувчи. Ана шу кичик жамоа ҳар йили ёрдам сўраб мурожаат қилган юзлаб хотин-қизлар ва эркакларга беминнат кўмак кўрсатмоқда. Моҳира Азимова билан марказнинг бугунги фаолияти ҳақида суҳбатлашдик.**

*(Давоми 2-саҳифада)* » »

# Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари

**ОРЗИҚУЛОВА Ҳилола Фазлиддин қизи, Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа санъати факультети фортепиано бўлими учинчи босқич талабаси**



2001 йил 2 май куни Булунғур туманида туғилган. Санъатнинг фортепиано йўналиши бўйича ижод қилади.

2020 йил Қозоғистоннинг Нур-Султон шаҳрида ўтказилган "Astana classic" III халқаро классик мусиқа танлови гран-при соҳибаси бўлган.

2021 йил февраль ойида Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган "KINGDOM ART STARS", апрель ойида Франциянинг Париж шаҳридаги "La culture slave a Paris" халқаро танловларида иккинчи ўринни, июнь ойида Люксембургда бўлган "International best competition" халқаро танловда биринчи ўринни эгаллаган.

**ХАЛИЛОВА Маҳбуба Асқарали қизи, Самарқанд вилояти 59-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси 12-синф ўқувчиси**



2003 йил 18 майда Тойлоқ тумани Давлатобод маҳалласида туғилган.

Спортнинг шашка тури бўйича спорт усталигига номзод.

2015-2019 йилларда вилоят ва республика миқёсида кўзи ожизлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда мунтазам иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган.

2019 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида рапид ва блиц йўналишларида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган.

Ўша йили Тошкент вилояти мезбонлик қилган кўзи ожиз аёллар ўртасидаги жаҳон кубогида фахрли учинчи ўринни эгаллаган.

## ОБ-ҲАВО



## ҲАФТА БОШИ ЁМҒИРЛИ ЎТАДИ

Бугун ва эртага ҳаво ўзгарувчан бўлиб, айрим жойларда ёмғир ёғади. Ҳарорат **кечаси 3-8, кундузи 11-16 даража илиқ** бўлади. 10, 11, 12 март кунлари ёғингарчилик бўлмайди. 11 мартда **шамол тезлиги 17-22 метр сониягача** кучайиши мумкин. **Кечаси 3-11 даражагача, кундузи 13-21 даражагача илиқ** бўлади.

**Самарқанд гидрометеорология бошқармаси.**

# Моҳира Азимова: ЭРКАК ВА АЁЛ ҳуқуқларини бирдек ҳимоя қилишимиз зарур

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

**– Моҳира опа, фуқаролар асосан қайси масалаларда кўпроқ мурожаат қилишади?**

– Кўпроқ оилавий можаролар, зиддиятлар ва уй-жой масаласида мурожаатлар бўлади. Ҳатто арзимаган, уйда эр-хотин ёки қайнона-келин тинчгина ўтириб, ҳал қилса бўладиган масалаларда ҳам шикоятлар тушади. Аксарият ҳолларда оила аъзолари ўртасида бир-бирини тушунмаслик ёки тушунишга ҳаракат қилмаслик, ишончсизлик кучайганини кўриш мумкин.

Аммо жиддий таҳқир остида қолган аёллар ҳам бор. Уларга тегишли ёрдам кўрсатиб келяпмиз. Масалан, Каттақўрғон аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказига келган мурожаатни олайлик. Гўдаклигидаёқ онаси томонидан ташлаб кетилиб, турли шахсларнинг қарамоғида вояга етган Солия (исмлар ўзгартирилган) 16 ёшида она бўлди. У ҳали турмушга чиқмаган қиз эди. Боласини кимларгадир бериб юборишди. Ёшгина, ҳимоясиз Солия ўз манфаати йўлида ундан фойдаланишни ўйлаганлар орасида кун кечирарди. Ниҳоят бир куни водийлик бир йигит уни ёқтириб қолади. Уйланиб, ўз юртига олиб кетади. Улар уч нафар қизлик бўлдилар. Эри мунтазам спиртли ичимлик ичган. Кейинчалик у Солиянинг ўтмишини эслатиб, таҳқирлай бошлаган. Аёлга нисбатан тазйиқ кундан-кун кучайиб борган. Тинимсиз таҳдидлар остида қолган аёл энди ўзини ҳимоя қилиши кераклигини тушуниб етган. Унинг мурожаатига кўра, аёл давлат ҳимоясига олинди ва марказга жойлаштирилди. Фарзандлари мактабга, болалар боғчасига, ўзи эса ишга қўйилди. Шу билан бирга, имтиёзли кредит асосида янги уй олиши учун бошланғич тўлов давлат томонидан тўлаб берилди. Солия жорий йилнинг март ойида янги уйга кўчиб ўтади. Ҳозирча у марказда яшаб турибди. Афсуски, бундай аччиқ қисмат эгалари кам эмас. Уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, аввало, бундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш учун эса комплекс ишларни амалга ошириш, фуқароларимизнинг, айниқса, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш ва шу орқали инсонларнинг бир-бирига нисбатан ҳурматини шакллантириш лозим.

**– Туманлардаги аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари қисқартириб юборилди. Шундан сўнг вилоят марказига бўлаётган мурожаатлар сони кўпайдими?**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2021 йил 6 октябрдаги "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оиладаги зўравонлик муаммоларини таҳлил қилиш ҳамда ушбу муаммоларнинг долзарблиги, хусусиятлари, сабаб ва оқибатларини аниқлаш, зўравонликнинг олдини олиш мақсадида марказнинг йиллик иш режаси ва ҳамкор ташкилотлар билан олиб борилиши керак бўлган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Айни пайтда Самарқанд вилояти ҳудудий маркази ва намунавий Каттақўрғон маркази фаолият юритмоқда. Бизнинг фаолиятимиз асосини "1146" ишонч телефони орқали ва бевосита ўзимизнинг ишонч телефонимизга тушаётган мурожаатлар билан ишлаш ташкил этади десам, хато бўлмайди. Марказлар сони қисқартирилгач, мурожаатлар кўпайди дея олмайман. Чунки келиб тушаётган барча мурожаатларни ҳамкор ташкилотлар билан ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, 2021 йилда марказимизга жами 351 нафар шахсдан мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 326 нафарини аёллар, 18 нафарини вояга етмаганлар ва қолганини эркаклар ташкил этди. Гарчи ҳимоя ордери берилаётган аёллар сони ойдан-ойга ошаётган бўлса-да, бу аслида зўравонликни яширишни истамаётганлар сони ортаётганидан далолат беради. Мисол учун, ўтган йили 200 нафардан ортиқ хотин-қизга ҳимоя ордерлари берилган бўлса, олдинги йилларда бу рақам 100 га яқинни ташкил қилган, холос. Албатта, ҳар бир мурожаатчи билан психологимиз Насиба Маматова индивидуал шуғулланиб, оғир ҳолатларда уларни стрессдан чиқариш борасида психологик машғулотлар ўтади, руҳий маслаҳатлар беради.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бизнинг самарали фаолият юритишимизда Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан доимий равишда катта ёрдам кўрсатилиб, марказимиз ҳокимлик мутасаддилари томонидан фаол қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, "Меҳр-1", "Меҳр-2", "Меҳр-3" операциялари доирасида хориждаги уруш ўчоқларидан қайтариб олиб келинган аёлларни реабилитация қилиш, уларга тураржой ва хонадонлар ажратишда берилаётган беғараз кўмак учун вилоят ҳокимлигига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**– Суҳбат давомида бир неча марта айтиб ўтдингиз, марказга эркаклар мурожаати ҳам кўпайган деб. Айтинг-чи, улар асосан қандай мурожаатлар билан қелишади?**

– Марказга эркаклар томонидан келиб тушадиган мурожаатларнинг аксарияти хотинлари хиёнат қилган ёки муомала маданиятидан бехабар бўлган аёллардан безган фуқаролардир. Бизга мурожаат қилган эркаклар албатта, исм-фамилияларини ошкор этмасликни сўрашади.

Гендер тенгликни таъминлаш – жамиятнинг ҳар бир соҳасида аёллар билан бир қаторда эркаклар ҳуқуқларини ҳам бирдек таъминлаш назарда тутилади.

**Наргис ҚОСИМОВА суҳбатлашди.**



# 9 ФАРЗАНДГА ОНАЛИК ҚИЛАЁТГАН БЕКА

**Бугунниг қаҳрамонлари**

**Бугун Самарқандда бирорта меҳрибонлик уйи йўқ. Шу пайтгача бўлган муассасадаги болалар тегишли ҳужжатлар асосида оилаларга берилди. Хўш, оилаларга берилиш тартиби қандай бўлди, бу болалар оилада қандай яшаяпти, ота-оналар уларни қандай қабул қилди? Шу саволларга жавоб топиш учун Самарқанд туманида истиқомат қилувчи Ҳусеновлар хонадонида бўлдик.**

Бу оила 8 та фарзандни оиласига қабул қилган ва ўзларининг бир нафар қизи билан энди бу хонадон ўзбек, тожик, рус, турк миллатлари вакиллари бўлган 9 нафар фарзандни тарбиялашяпти.

Ҳаётимиз яхши ўзгаришларга бой бўлди, деб айтиш жуда осон, аммо бунинг ортидаги машаққатлар ҳар кунлик меҳнат, ҳар соатлик изланишдир. Бу масалада оила аъзоларининг ҳар бирининг фикрини баён этишга ҳаракат қилдик.

**ПСИХОЛОГ Ё ТАРБИЯЧИ ЭМАСМАН. МЕН – ОТАМАН!**

– Банкда ишлаганим сабабли SOS болалар уйи тарбиячилари ва тарбияланувчилари билан тез-тез мулоқот қилиб туришимга тўғри келарди, – дейди Жаҳонгир Ҳусенов. – Уларнинг ҳисоб дафтарлари бизнинг банкда бўлгани учун тез-тез келиб туришарди. Улар билан гаплашарканман, доим хаёлимдан бир фикр ўтарди: меҳрибонлик уйидан бола асраб олсам-чи? Гап шундаки, тўнғич фарзандим, шукр, соғлом туғилиб, вояга етмоқда, аммо кейингилари нобуд бўлди, шунинг учун ўғил бола олиб, тарбиялаш ниятим бор эди. Хуллас, рафиқам иккаламиз келишиб, бир кун меҳрибонлик уйига бордик ва раҳбар қабулига кириб мақсадимизни айтдик. Мақсадимиз фақат савоб эканлигини билгач, иккита эмас, бешта бола олинг, ҳозир шундай имконият бор, меҳрибонлик уйлари тугатиляпти, дедилар. Аввалига бироз қўрқдим, аммо савоб учун жазм қилган эканман, ортга қайтмайман, дедим. Хуллас, ҳужжатлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Очиғини айтаман, бу ишлар осон кечмади, турмуш ўртоғим иккимизнинг саломатлигимиздан бошлаб, қандай яшашимиз, муносабатларимиз – бари текширилди.

Болаларни олиб келишди, ҳаммаси байрамона ўтди, уйларни шарлар билан безадик, тасвирга олишди, ниятлар, тилаклар билдирилди. Сўнг ҳамма тарқалди. Мен ва рафиқам қарамоғимизда олтита бола билан қолдик. Улар меҳрга зор, биз фарзандга. Лекин бу болаларнинг бирови 7 ёшда бўлса, бирови 17 ёшда. Аллақачон дунёқараши шаклланиб, ҳаёт ҳақидаги тушунчалари аниқлашган. Гапирсам, мендан аччиқланадиган, тўғри йўл кўрсатганимда буни муҳокама қиладиган ҳолатлар бўлди. Осон бўлмади, буни тан олиш керак. Бировининг ўқишида муаммо чиқади, бири гап кўтармайди, бирига сал гапирса, йиғлайди... Хуллас, турфа феълли болалар. Ҳар бирининг кўнглига қараш баробарида уларга оиладаги муҳит, оилавий қадриятлар ҳақида тушунча бера бошладим. Ҳар куни уйқуга ётишдан олдин Аллоҳга илтижо қилдимки, мен қўлимдан келганини қиляпман, ўзинг болаларимнинг кўнглига раҳм сол, мениям тушунишга ҳаракат қилишсин. Орадан бир неча ой ўтди, бир-биримизга мослашдик, тушуна бошладик. Болаларим меҳрибонлик уйида тарбияланган бошқа ака-опалари билан суҳбатлашиб, оиладаги муносабатларимиз ҳақида айтган шекилли, бир куни уйимизга яна икки бола келди. Улар 18 ёшдан ошган, бири институтда ўқийди, ётоқхона билан таъминланган. "Сизнинг меҳрингиз тортиб келди", деб қараб туришгач, йўқ дея олмадим. Ҳозир уларнинг ҳам ҳужжатларини тўғрилашга ҳаракат қиляпман.

Ҳар куни ишдан қайтганимда тўққиз нафар фарзандимнинг барчаси югуриб ёнимга келади, барчаси меҳр билан қучоғимга отилади. Ишонасизми, шундай пайти бор қийинчиликларни унутаман.

**МЕН БЕКАМАН, ОНАМАН!**

– Болалар келганда уйимизга файз киргандай бўлди хаёлимда, – дейди Феруза Ҳусенова. – Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғ ҳам буни тўғри қабул қилиб, ҳатто кўпчилиги биз ҳам бола олсак бўлармикан, деб сўрай бошлади. Аввалига болаларнинг тилини топиш осон кечмади. Бири сувдан қўрқади, бири гўшт емайди, бирига иккита гап ортиқча. Аммо меҳр ҳар бир боланинг қалбига, тарбиясига энг асосий йўл. Келганида илк кунлари катта қизларим ҳам дастурхон атрофидан индамай туриб кетишарди. Ҳатто ўзлари чой ичган пиёласини олиб қўйиш ҳақида ҳам тасаввурга эга эмасди. Бунда уларни айблаб бўлмайди, албатта. Сабаби, ижтимоий муассасада тарбияланган бола табиийки, шундай улғаяди. Аммо ҳозир вазият ўзгарди. Қизларим аллақачон турли таом, пишириқлар пиширишни ўрганишяпти. Барчаси қўшимча дарс, тўгаракларга қатнаяпти. Мен уларга бир кун – 24 соат давомида онаман, ўз бурчимни бажара олаётган бўлсам, бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Қизларимга совчи келяпти. Айтмоқчиманки, ҳеч ким болаларимизни меҳрибонлик уйидан келган, демайди.

**МЕНИНГ ДАДАМ БОР!**

– Тўғри, меҳрибонлик уйида ҳам бизга ёмон қарашмади, ҳамма нарсамиз етарли эди, – дейди Мария Маҳмудова. – Лекин тарбиячилар ҳар куни алмашади, улар бизга меҳр берса-да, аммо ўй-хаёллари ўз фарзандларида бўларди. Яъни, истасалар-да, бизга бор меҳрини беролмасди. Оилада эса ҳаммаси бошқача экан. Ота-онанг меҳрини доим ҳис қилиб туриш жудаям керакли, ёқимли туйғу экан. Доим дадам бўлишини орзу қилгандим. Мени оқ кўйлакда меҳроб олдига дадам олиб боришини бир умр орзу қилганман. Дадам, онам, бобом, бувим, аммаю холаларим ҳам бор энди.

**КУТИЛМАГАН БАХТ**

– Оилада ҳаммаси биз хаёлларимизда ўйлаганимиздан ҳам бошқача экан, – дейди Сабрина Раупова. – Масалан, бугун мактабдан тўртта "беш" баҳо олиб келдим. Аям ҳам, дадам ҳам шунақа хурсанд бўлдиларки, мен янаям кўпроқ ўқишга ҳаракат қиламан энди. Лекин меҳрибонлик уйида бу нарсани ҳис қилолмасдим. Гўёки ҳеч кимга тегишли эмасдай, ўз ҳолимизча юргандай ҳис қилардик ўзимизни. Дадамиз ишдан келишини кутиш, насиҳатларини эшитиш, аям билан пишириқлар пишириш, меҳр билан овқат ейишимиз кераклигини айтишлари – буларнинг ҳаммаси жуда бошқача, биз биринчи марта ҳис қилган туйғулар.

**ОИЛА – БИТТА ҚЎРҒОН**

– Ота-она бу – жуфт сўз ва ҳар иккисининг меҳри бола учун сув ва ҳаводай зарур, – дейди Михаил Дюжников. – Биз оиламиз бўлишини жуда узоқ кутдик ва ниҳоят шу кунлар насиб этди. Тўғрисини айтаман, олдин ҳам бир оила фарзандликка олганди мени. Аммо онам, яъни мени фарзандликка олган аёл кўп ўтмай касалликка чалингач, қарийб кўчада қолдим. Сарсон-саргардон, оч-наҳор кунларни бошимдан ўтказганман ўшанда. Кейин орадан вақт ўтиб, яхши инсонларнинг кўмагида яна меҳрибонлик уйига қайтиб келганман. Бундай синовли кунлар, тўғриси, оила ҳақда орзу қилишга ҳам йўл бермасди, аммо ич-ичимизда барибир оиламиз бўлади, бир дастурхон атрофида ўтириб, дадам, онам билан суҳбатлашиб ўтирамиз, деган ўйлар бўларди.

Президентимизнинг қарори билан ОИЛАли бўлганимиз ҳаётимиздаги энг катта қувонч! Бу бахтни оилаларда ўсаётган болалар тушунмаслиги, ҳис қилмаслиги мумкин. Аммо бугун биз ҳаётга умуман бошқача қарашни ўргандик.

**ФАҚАТ САВОБ....**

Дарвоқе, кўпчилик оила бошлиғи, вилоят "Асака" банк ходими Жаҳонгир Ҳусеновга болаларни олишдан сенга фойда қоладими, деб савол бераркан. Бу ҳақда айтиб бераркан, 43 ёшли 9 фарзанд отаси савоб учун қилинган ишим мен учун энг катта фойда, деб жавоб беради. Маълумот учун айтиш жоиз, у икки нафар фарзанди ҳужжатларини ҳозирча расмийлаштира олгани йўқ. Шунинг учун олти нафар болага бир ойда озиқ-овқати учун 6 миллион сўм, кийим-кечаги учун эса 2 миллион сўм олади, холос. Буларнинг ичида уларнинг саломатлиги ва бошқа кутилмаган харажатлар ҳам бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, оила бу болаларни фақат савоб учун тарбиялаётганига амин бўласиз.

Айни кунларда Самарқанд вилоятида 9 та худди шундай оилавий меҳрибонлик уйлари фаолият кўрсатади. Хусусан, Самарқанд шаҳрида учта, Паст Дарғом туманида иккита, Оқдарё, Самарқанд, Каттақўрғон, Пахтачи туманларида биттадан оилалар мавжуд. Уларда 51 нафар тарбияланувчилар вояга етмоқда.

**Г.КОМИЛОВА.**

## Уйбошининг ташаббуси



Нарзитош Юсупова Ургут туманида туғилган, лекин узоқ йиллардан бери Самарқанд шаҳрида истиқомат қилади. Самарқанд шаҳри, Ботир Зокиров маҳалласидаги 69-уйда уйбоши.

Опани кўпчилик яхши танийди, тиниб-тинчимас маҳалла фаоли "Ногирон аёллар уюшмаси" вилоят бўлимида фаолият кўрсатади. Яхшигина шеърлар ҳам ёзиб туради, Опанинг яна бир жиҳатини қўни-қўшнилар доим эътироф этишади. Гарчи ўзи иккинчи гуруҳ ногирони бўлса-да, қўшнилар билан ўз маблағи ҳисобидан кўп қаватли уй атрофида турли дарахт кўчатлари экишни канда қилмайди.

-Дарахтлар экологиямиз софлигини асровчи, табиатнинг жон томирлари, - дейди Нарзитош опа. – Шунинг учун ҳар йили уй атрофида кўчат экиш учун алоҳида бир кун ажратамиз. Бу ўзаро ҳамжиҳатлик, қўни-қўшнилар ўртасида меҳр-оқибатни ҳам кучайтиради, қолаверса, нафас олаётган ҳавомиз тозалигига хизмат қилади.

## Байрам зиёратдан бошланди



Баҳор айёми арафаси турли соҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизларни саёҳатга олиб бориш билан бошланадиган байрам тадбирлари аллақачон анъанага айланди. Бу йил ҳам вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан шундай байрам тадбирлари ўтказилди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан 800 нафарга яқин хотин-қиз Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни зиёрат қилди.

- Бундай байрам тадбирига илк марта келишим, - дейди Қўшработ туманидаги Сарғул маҳалласида истиқомат қилувчи Наргиза Алчинова. – Самарқанддаги ўзгариш, бунёдкорликларни кўриб, кайфиятим кўтарилди, азиз авлиёлар қўним топган жойлар зиёратидан руҳим таскин топди. Бу йил байрам мен учун ҳар доимгидан ўзгача иштиёқ билан ўтмоқда.

Тарихий обидаларга зиёратдан сўнг Самарқанддаги базмгоҳлардан бирида аёлларга бир пиёла чой устида концерт дастури намойиш этилди.

## Зулхуморнинг гуллари



Булунғур туманининг Мингчинор маҳалласида яшовчи Самарқанд давлат университети халқаро таълим факультетининг 3-курс талабаси Зулхумор Неъматова ёшлигидан анвойи гулларни парваришлаб келади. Янгиликка интилувчан қиз интернет тармоқлари орқали чиройли декоратив гуллар ясашни ўрганиб олди.

- Декоратив гуллар ясаш учун керакли маҳсулотларни бозордан сотиб олдим, - дейди кулиб Зулхумор. – Мен ясаётган гуллар сунъий бўлса-да, маҳалла маркази, мактаблар, боғчаларни безаб турганидан хурсандман.

**Раббим ҲОТАМОВ олган сурат.**

*?* ***Савол:*** *Меҳнат дафтарчам асосида 1990-2021 йиллар давомида ишлаганман. Шу даврда 3 та болали бўлдим ва бола парваришида уйда ўтирганман. Биринчи ва иккинчи болаларимга 2 йилдан, учинчи фарзандимга 3 йил бола парвариши таътилида бўлганман, иш стажим қандай ҳисобга олинади?*

## Болани парваришлаш таътили аёллар пенсиясига қўшиладими?



**Жавоб:** 2022 йил 9 февралда "Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 37-моддасига ўзгартириш киритилди. Унинг "ж" бандида бола "3 ёшга тўлгунча бола парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил", деб белгиланган эди. Шу сўз кўпи билан "6 йил" деган сўзлар билан алмаштирилди. Масалан, аёл 1990 йил ва 1995 йил туғилган болаларига туғиш таътилида 5 йил ўтирган бўлса, пенсия расмийлаштиришда иш стажига туғиш таътилининг кўпи билан 3 йили ҳисобга олиниб, 2 йили иш стажига киритилмасдан чиқариб ташланар эди. Янги қонунга кўра, 5 йиллик иш стажи ҳисобга олина бошланди.

Сизнинг саволингизда келтирилган масалада бола парвариши даврида бўлган вақт 7 йилни ташкил этмоқда, бунда бола парвариши даврининг кўпи билан 6 йили иш стажингизга қўшиб ҳисобланади.

**Абдурашид РАҲИМОВ, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси шуъба бошлиғи.**










## АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«Juma elevatori» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2022 йил 30 март куни соат 14:00 да жамият маъмурий биноси мажлислар залида ўтказилади.**

**КУН ТАРТИБИДА:**

*1. Акциядорлар умумий йиғилишининг саноқ комиссияси аъзолари ва ишчи президиумини сайлаш;*

*2. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби ва регламентини тасдиқлаш;*

*3. Жамият кузатув кенгашининг 2021 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;*

*4. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес режасининг бажарилиши тўғрисида жамият ижро органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш;*

*5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ 2021 йил якуни бўйича бошқарув раисининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг 2021 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;*

*6. Жамиятнинг 2021 молиявий йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарларини тасдиқлаш;*

*7. Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 молиявий йил якунлари бўйича текшириш ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш;*

*8. Жамиятнинг 2021 молиявий йил якунлари бўйича ташқи аудиторлик ташкилоти "AFROSIYOB AUDIT STANDART" MCHJнинг хулосаси (МҲХС, МҲМС) ҳамда 2021 йил учун СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш натижалари юзасидан жамият ташқи аудиторининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш;*

*9. 2021 йил якуни бўйича жамият фойдасини тақсимлаш, устав фондидаги акцияларга ҳисобланадиган дивиденд миқдорини белгилаш ва дивиденд тўлаш муддатини тасдиқлаш;*

*10. Жамият 2022 йил фаолияти учун кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш ва уларни моддий рағбатлантириш;*

*11. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш ва уларни моддий рағбатлантириш;*

*12. Жамиятнинг 2022 йил учун ижроия органи раҳбари ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш ва уларни моддий рағбатлантириш;*

*13. Жамиятда 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудитор хизматини кўрсатувчи ташкилотлар таклифини кўриб чиқиш ҳамда уларга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш;*

*14. Депозитарий "Samarqand vaqt" МЧЖ томонидан 2021 йилда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш;*

*15. Жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги, асослилиги шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек, валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини тасдиқлаш.*

- акциядорларни рўйхатга олиш 2022 йил 30 март куни соат 13:00 дан 14:00 га қадар давом этади.

- Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ва уларнинг вакиллари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончномалар билан келишлари сўралади.

Ҳурматли акциядорлар, жамият акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотларни жамият акциядорларига сифатли ва тезкор равишда етказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ электрон почта орқали амалга оширилишини инобатга олиб, сиздан электрон почта манзилингизни (Email) тақдим этишингиз лозимлигини маълум қиламиз.

Мурожаат учун телефон:
**+99866-465-15-27.**
Жамиятнинг электрон почта манзили:
**jumadon@mail.ru**
Манзил:
**Паст Дарғом тумани Жума шаҳри, Фитрат кўчаси, 2-уй.**

**ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.**

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2010 йил 2 августда 6683 реестр рақами билан рўйхатга олинган "EKSTRA AVTO SERVIS" хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: "EKSTRA AVTO SERVIS" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2022 йил 7 мартдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Бедил кўчаси, 24-уй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 205841084.

* * *

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳамидов Норбек Комил ўғли нотариал идорасида марҳум Нарзикулова Хамидаойга (2021 йил 23 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хамидов Норбек Комил ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Амир Темур кўчаси, 48-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Коновалова Лариса Васильевнага (2021 йил 9 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Шерназаров Хасан Садиковичга (2019 йил 2 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Кадырова Рубобага (2013 йил 28 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2017 йилда Суярова Сабина Шухратовна номига берилган U № 7933622 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 27-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Хакимова Нигора Абдухамидовна номига берилган O'R-Z № 0790765 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 27-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Ишанкулов Дамир Садриддинович номига берилган U № 5339757 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаро Хайдаров Сафтарга қарашли Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 125-уй, 28-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Жомбой қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2015 йилда Жумабоева Дурдона Жумабой қизи номига берилган рўйхат рақами 294, К № 3824331 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Сўзангарон тиббиёт коллежидан 2017 йилда Очилова Нозима Улжа қизи номига берилган рўйхат рақами 2928, К № 4687578 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «Z-P-A» оилавий корхонасининг (СТИР: 306427056) бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашлари жамоалари "ALJ-Samarqand" концерни бош директори Жуманиёз Алибековга синглиси **Сайёра АЛИБЕКОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

*Аёл бир қўли билан бешикни тебратса, бир қўли билан дунёни тебратади, дейишади. Дарҳақиқат, бугун шундай аёллар борки, улар фарзанд тарбияси, уй-рўзғор ишларидан ташқари жамият ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетининг тарих ва маданий мерос кафедраси мудири Мастура Сиддиқова ана шундай фаол хотин-қизлардан бири. У 2019 йилда “Самарқандда замонавий шаҳар маданиятининг ривожланиш хусусиятлари (1991-2017 йиллар)” мавзусида диссертация ишини ҳимоя қилиб, қадимий ва навқирон шаҳримизга сайёҳларни жалб этиш учун нималар эътиборга олинмаётгани ва йўл қўйилаётган камчиликларни таҳлил қилганди. Айни кунда ҳам у Самарқанднинг маданий меросини авайлаб-асраш, унга хорижий сайёҳларни жалб этиш борасида изланмоқда, жамоатчиликка ўз таклиф ва тавсияларини бериб келмоқда. Шунингдек, туризм соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашга ҳисса қўшмоқда. Олима аёл билан суҳбатимиз шу ва бошқа мавзуларда бўлди.*

# АЁЛ ҚАЧОН ЎЗИ УЧУН ЯШАЙДИ?



**- Кўҳна шаҳримизда тарихий обидалар, бетакрор иншоотлар бўлишига қарамасдан, хориждан кўпроқ сайёҳларни жалб этолмаяпмиз. Бунинг сабаби нимада?**

- Самарқандда имконият катта, аммо етарли даражада шароит яратилмаяпти. Биринчидан, шаҳар ўзининг тарихий қиёфасини кўрсата олмаяпти. Шаҳримиз ЮНЕСКО рўйхатига киритилган ва уч қисмга бўлинади: Афросиёб - қадимий ҳудуд, Амир Темур ва темурийлар ҳамда совет даври ёдгорликлари. Шаҳарнинг Чўпонота томони Афросиёб ҳудуди ҳисобланса, қадимий обидалар қурилган ҳудуд темурийлар даври ҳисобланади. Университет хиёбони атрофида қурилган бинолар совет даврига тегишли. Масалан, темурийлар даврига оид ҳудудда баланд иморат қурилса, биноларнинг тарихийлигига “соя солади”. Шунингдек, бизнинг университетимиз жойлашган ҳудуд ҳам қаттиқ назорат остида. Бу ерда фақат рус архитектурасига хос иморатлар қуришга рухсат берилади. Акс ҳолда, шаҳар тарихий қиёфасини йўқотади. Бир вақтлар шаҳарда баланд-паст, ҳар хил иморатлар қурилганди. Бу ҳам хорижий сайёҳларнинг Самарқандга қизиқишини сусайтирди. Сўнгги йилларда шаҳардаги қурилишлар тартибга тушмоқда.

Хорижлик ўқитувчиларимиздан Самарқанд ҳақида олдин қандай таассуротга эга эдингиз, десак: “Биз қандайдир эртак шаҳарга борамиз, деб ўйлагандик. Аммо шаҳрингиз на эртакка, на замонавий шаҳарга ўхшайди”, дейишди. Сайёҳлар Самарқандга шарқона услубдаги шаҳарни кўрамиз деб келишади. Биз сайёҳлар келадиган ҳудудларда миллийликни ва шарқона услубдаги эртакнамо шаҳарни кўрсатиб бера олишимиз керак.

Хорижий сайёҳларга тақдим қилинадиган таомларимиз ҳам ранг-баранг бўлиши лозим. Фақат палов, шўрва ва кабоб билан сайёҳларни жалб этиб бўлмайди. Қадимда Самарқанднинг миллий таомлари бўлган. Масалан, нўхат шўрак, ун оши каби таомларимиз ҳам сайёҳларга тақдим қилиниши керак. Афсуски, бугун ресторан ва ошхоналарда Европа таомлари тайёрланяпти, миллий таомларимиз эса истеъмолдан чиқиб кетяпти.

**- Ўқитувчи сифатида ҳозирги ёшларнинг билими сизни қониқтирадими? Илм олишга чанқоқлик талаба қизларда кўпми ёки йигитларда?**

- Университетимизга асосан инглиз тилини биладиган, иқтидорли, интилувчан, замонавий ёшлар ўқишга киради. Шунингдек, бизда таълим юз фоиз инглиз тилида олиб борилади. Масалан, мен Ўзбекистон тарихи фанини инглиз тилида ўтаман. Бундан ташқари, Америка, Франция, Эрон, Қирғизистон давлатларидан келган хорижлик профессор-ўқитувчиларимиз ҳам дарсларни инглиз тилида олиб боради. Бакалавриат таълимимизда Россия, Қозоғистон, Афғонистондан келган талабалар бор. Талаба йигитларда ҳам, қизларда ҳам илм олишга иштиёқ кучли. Ҳозирги ёшларимизга берилаётган имкониятлардан, уларга яратилаётган шарт-шароитлардан қувонаман. Илм олишга хоҳиш бўлса, ёшларга ҳамма имконият яратилган.

**- Кун бўйи давлат ташкилотида ишлайдиган аёллар нималардан воз кечишига тўғри келади?**

- Давлат ташкилотларида ишлайдиган аёлларнинг турмуш тарзи бироз бошқача. Масалан, мен эрталаб турмуш ўртоғим билан болаларни боғча ва мактабда қолдириб, кейин ишга келаман. Кеч, соат олтидан кейин уйга боргач, эртанги куннинг кечки овқати учун таом пишираман. Куни билан ишда бўлганимдан кейин бошқа иложим йўқ. Онамнинг олдида кун бўйи ўтиролмайман, баъзида боламга етарлича меҳр беролмайман. Шанба куни иш куни эмас, аммо илмий ишимни ёзишим учун ишга келаман. Битта монография ва битта ўқув дастури ёзишни бошлаганман. Нимагадир эришиш учун нимадандир воз кечишга тўғри келади, албатта.

**- Аёл ҳақиқатда ожиза, нозик хилқатми ёки ҳар қандай ишга қодир инсонми?**

- Аёл баъзан ожиза, баъзан жасур бўлади. У қачон ожиза ҳисобланади? Агар аёл ёш, ёнида суянадиган эркак бўлмаса, атрофда унга отиладиган тошлар кўп бўлади. Ўшанда у ўзини ожиза эканини ҳис қилади. Баъзида аёл оиласи, болалари учун жасур инсонга айланади.

**- Сизнингча, аёл қачон ўзи учун яшайди?**

- Онам мисолида айтадиган бўлсам, онам доим фарзандлари ташвиши билан яшайди. Бошқа ўзбек оналари ҳам худди шундай. Қачонки у фарзандларидан, оиласидан бехавотир бўлса, ўзи учун яшайди.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА**
**суҳбатлашди.**

# ЖОМЛИК ГИЛАМДЎЗЛАР




**Нурободлик Қундуз Худоёрова гилам тўқишни 9 ёшида ўрганган. Бу ҳунар билан шуғулланиб, ота уйида ҳам, келин бўлиб тушган хонадонида ҳам кам бўлмади. Гиламчиликдан рўзғорига қўшимча даромад келтириб турди.**

- Болалигимизда онам қўй ва туя жунларини титиш, ип йигириш, бўяш ва тўқиб, гилам ҳолига келгунча бўлган жараёнларни бирма-бир ўргатган, - дейди у. – Биз тўқиган гиламларни отам бозорга сотиб келарди. Шу билан рўзғоримиз обод эди. Турмушга чиққанимдан кейин ҳам гилам тўқишни канда қилмадим. 10 қиз ва бир ўғилни тарбиялаб, уйли-жойли қилишда турмуш ўртоғимга елкадош бўлдим. 1996 йилда “Дуржамол” гиламчилик корхонасини ташкил қилиб, шогирдлар тайёрлай бошладим.

Бугунги кунда 70 ёшни қаршилаган Қундуз ая невара-чеваралари қуршовида кексалик гаштини сурмоқда. Унинг ишини қизи Севара Зиётова давом эттиряпти.

- Онам асос солган, қўлда гилам тўқиш билан шуғулланувчи корхонамизга 2001 йилдан бери раҳбарлик қиламан, - дейди С.Зиётова. – Бу ерда Жом қишлоғида яшовчи 12 нафар хотин-қиз иш билан банд. Шунингдек, устоз-шогирд мактабини ҳам йўлга қўйганмиз. Турли фестивалларда қатнашганмиз. Биз тайёрлаган маҳсулотларга хорижликлар кўпроқ қизиқади.

Саодат Расулова Жом қишлоғидаги Омондара маҳалласида раис ўринбосари вазифасида ишлаш билан бирга, гилам тўқиш билан шуғулланиб, қишлоқ хотин-қизларига ўрнак бўляпти.

- Устозимиздан ўрганганларимизни шогирдларимизга ўргатяпмиз, - дейди С.Расулова. - Қундуз хола бизга гилам тўқиш сирлари билан бирга лапарлар, ўланлар айтишни ҳам ўргатган. Қўлда гилам тўқишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор-да, ўрмакда ўтиравериб, оёқлар увишади, бел толиқади. Шундай пайтларда ашулалар ҳиргойи қилиб, рақсга тушиб, хордиқ чиқарамиз.

*Ўрмак жотар уюрилиб,*
*Сен журасан керилиб,*
*Қайнонанг қарамайди,*
*Ўрмагига қайрилиб.*

Қундуз аянинг неваралари орасида ҳам гиламчилик ҳунари билан шуғулланадиганлари кўпчиликни ташкил қилади. Улардан бири Бибиҳамида Хўжақулова олий маълумотли бўлиб, бувисининг ишини давом эттиришни ният қилган. У ҳозирда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти дизайнерлик йўналишида таълим оляпти.

- Оилавий муҳит сабаб эсимни таниганимданоқ гиламчиликка қизиққанман, - дейди у. – Бу қизиқиш мени турли кўрик-танловларда қатнашишга ундади, қолаверса, олий ўқув юртига етаклади. 2015 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган ҳунармандчилик фестивалининг республика босқичида гиламчилик йўналишида биринчи ўринни қўлга киритганман. Орзуларим катта. Момоларим бошлаб берган қўлда гилам тўқиш анъаналари асосида кўзни қувонтирувчи бежирим, сифатли маҳсулотлар тайёрлаш ва дунё бозорида ўз ўрнимизни топишни ният қилганман.

Жом қишлоғида гиламчи хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Қўлда гилам тўқиш кластери” масъулияти чекланган жамияти ташкил қилинди. Энди қўшни маҳаллалардан, туманнинг турли ҳудудларидан гилам тўқишга қизиқувчи хотин-қизларни излаб топиб, устоз-шогирд мактаби аъзолари сафи кенгайтирилади. Кластер корхонасида 60 нафар хотин-қизлар ўқитилиб, уларнинг бандлиги таъминланди. Қўл меҳнати асосида қўй ва туя жунларидан турли хилдаги гиламлар, жойнамоз, девор безаклари, белбоғ, пайпоқ ва бошқа қишки кийимлар тўқилади.

Бундан ташқари, ушбу “Қўлда гилам тўқиш кластери” корхонаси сайёҳлар учун “Йўл харитаси”га ҳам киритилган.

Туманда аҳоли тарқоқ жойлашгани инобатга олиниб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда Аработа, Олға, Қиличли, Нурбулоқ, Сарикўл, Улус, Жом маҳаллаларида касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ташкил этилди.

Ўқув марказларига “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар” жамғармаларидан маблағлар ажратилган. Ушбу ўқув марказларида бугунги кунда 220 нафар хотин-қиз ҳунар ўрганяпти.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

# ILMIY LABORATORIYAM BO‘LISHINI ORZU QILAMAN



**Nargiza MAMATQULOVA,**
**Samarqand veterinariya meditsinasi instituti veterinariya diagnostikasi va oziq-ovqat xavfsizligi fakulteti talabasi,**
**Islom Karimov nomidagi davlat stipendianti:**

- Shaharda o‘sganman, lekin bolaligimdan tabiatga, jonivorlarga juda qiziqardim. Payariq tumanidagi buvim yashaydigan qishloqqa borganimda hovlida boqiladigan sigir, qo‘y, quyon, it va mushuklarni parvarish qilardim. Ularni boqish, kasal bo‘lganida davolash haqida bolalarcha savollar berardim. Yaqinlarim savollarimdan kulgan yoki erinmay tushuntirgan paytlari bo‘lgan.

Xonadonimizda it va to‘tiqush boqamiz, bolalik qiziqishim hozir yanada kuchaygan. Ularni o‘zim parvarish qilaman, ovqatlantiraman va kasal bo‘lganida davolayman.

Yaqinda bakalavriat ta’lim yo‘nalishi talabalari uchun ta’sis etilgan Islom Karimov nomidagi davlat stipendiyasi tanlovining 2021-2022 o‘quv yilidagi g‘olibi bo‘ldim. Bu muvaffaqiyatga erishishimda ustozim va ilmiy rahbarim, veterinariya fanlari doktori, professor A.Daminovning xizmatlari katta bo‘ldi.

Kelgusida magistraturani Germaniyada o‘qishni istayman. Hozir nemis tili kurslariga qatnayapman. Bundan tashqari, ingliz, rus va tojik tillarida bemalol gaplasha olaman. Bu yil stajirovka uchun Germaniyaga borishni rejalashtiryapman.

Albatta, kelajak uchun rejalarim ko‘p. Parazitologiyaga qiziqaman, laboratoriyada kechadigan amaliy mashg‘ulotlar menga hamisha zavq beradi. Institutimizda eng zamonaviy ilmiy va o‘quv laboratoriyalari mavjud. Ular talabalar va professor-o‘qituvchilar xizmatiga shay. Kelajakda ushbu sohada ilmiy laboratoriyam bo‘lishini orzu qilaman.

# TADQIQOTIMIZDAGI YANGILIKLAR TIBBIYOTDA ASQOTADI




**Sadoqat VALIYEVA,**
**Samarqand davlat tibbiyot instituti talabasi,**
**Islom Karimov nomidagi davlat stipendianti:**

Kitob o‘qishga qiziqishim, ilmga bo‘lgan mehrim va izlanuvchanlik menda bolalik davrimdayoq shakllangan bo‘lsa kerak, chunki pedagoglar oilasida dunyoga kelganman. Hozirda oliy ta’lim dargohida ta’lim olarkanman, birinchi bosqichdanoq ilmiy izlanish olib bordim. 57 ta tezis va ilmiy maqolalarim chop etilgan. Ilmiy rahbarim bilan birgalikda “Yuqori qattiq tanglay tug‘ma yorig‘i bilan tug‘ilgan bolalarda burun bo‘shlig‘ini tekshirish diagnostik taktikasi” mavzusida ilmiy ish qilyapman. Tadqiqotimizda bir nechta yangilik kiritdik. Yuqori lab va tanglayning tug‘ma yorig‘i bo‘lgan bolalarda endoskopik tekshiruv yordamida burun bo‘shlig‘ining holatini klinik baholash tadqiqot maqsadi edi va biz 5 yoshdan 18 yoshgacha bo‘lgan tug‘ma tanglay yorig‘i bo‘lgan 68 nafar bolani uch guruhga bo‘lib, taqqoslash tahlilini o‘tkazdik. Tadqiqotimiz shuni ko‘rsatdiki, burun bo‘shlig‘i relyefining o‘zgarishi yuqori jag‘ deformatsiyasiga, xususan, tanglay plastinkasining holatiga bog‘liq. Amaliy nuqtai nazardan burun bo‘shlig‘ining shilliq qavati holati ham muhimdir, chunki u nafaqat burun shilliq qavatining tuzilishi va relyefni aniqlaydi, balki asosiy kasallikning klinik ko‘rinishlarida ham muhim rol o‘ynaydi. 5 yoshdan oshgan deyarli barcha bemorlarga burun tiqilishi gipertrofiyasi tashxisi qo‘yiladi, bu esa yosh ulg‘ayishi bilan yomonlashadi va nafas olishning buzilishiga olib keladi. O‘qishni bitirganimdan so‘ng LOR-shifokor yo‘nalishida faoliyat olib bormoqchiman.

## МУҲАББАТ ФАСЛИ

*Кўклам нафасини соғинди юрак,*
*Гуллар оламига сиғинди оҳим.*
*Ширин висолига етказди тилак,*
*Жўшқин қалдироқлар бўлди ҳамроҳим.*

*Оҳулар ҳуркади ҳароратидан,*
*Пишқириб оқади анҳорнинг жони.*
*Ўксиган ҳисларим кўкка интилиб,*
*Бағрига бош қўяр дардкаш дунёнинг.*

*Ишқдек ҳузур берар баҳор эпкини,*
*Жаннатдан ранг олган боғу бўстонлар.*
*Вужудим борлиққа кетар қоришиб,*
*Бино бўлар ундан хушбўй райҳонлар.*

*Ойдинлашиб борар муҳаббат фасли,*
*Сукунат ёришар қароғларида.*
*Завқини туяман телба руҳимнинг*
*Қир тўла майсанинг япроқларида.*

**Зуҳра БЕГИМ.**

## НУРЛИ ЛАҲЗА

*Деразамни очгандим саҳар,*
*Бирам дилхуш ҳаволар кирди.*
*Хуш ифорли ҳаволар билан*
*Юрагимга наволар кирди.*

*Наволарга жўр бўлиб дилкаш,*
*Оромижон саболар кирди.*
*Ҳур-ҳур эсган саболар ила*
*Дилга гули раъноlar кирди.*

*Нурлар балқди еру кўк аро,*
*Қалбга сеҳру маънолар кирди.*
*Билмам, меҳр, севгими бўлиб,*
*Дардли дилга даволар кирди.*

*Вужудимга ҳарорат бериб,*
*Ишқ аталмиш зиёлар кирди.*
*Зиёларга чўмиб, чулғаниб,*
*Тонглари соф дунёлар кирди.*

**Нарзитош ЮСУПОВА.**

**Биз учун бутун умрини, орзу-умидларини бахшида этиб, эвазига ҳеч нарса сўрамайдиган улуғ хилқат - бу онадир! Муҳтарама оналаримиз, азиз опа-сингилларимизга ҳар қанча эҳтиром кўрсатсак-да, кам.**

# БУЮК МЎЪЖИЗА

Чунки бир қўли билан бешикни, яна бир қўли билан дунёни тебратган, тунларни кунларга улаб, фарзандини оқ ювиб-оқ тараб улғайтирган, оиласининг бахти учун ҳаловатини йўқотган, ҳаётнинг синовларини метин сабр-бардоши билан енгган, Яратганнинг буюк мўъжизаси аёл.

Аёлнинг ана шундай заҳматли меҳнати, зийнати ҳар доим эъзозланган, қадрланган.

Аёл фақат оиланигина эмас, жамиятнинг ҳам гултожи. Қайси соҳа ёки қайси жабҳада бўлмасин, аёл бор бўлса, албатта, у ердан меҳрнинг, нафосатнинг ҳиди келади. Аёллар қадами етган жойда гулу гулзор, файзу барака, саришталик бўлади.

**Чори ҚЎНҒИРОВ,**
**халқ таълими аълочиси.**

# Нафосат қудратини қаламида жамлаган




Самарқанд журналистика мактаби вакили Гулруҳ Мўминовага шундай таъриф бериш мумкин. Маҳоратли журналистнинг гендер тенглиги, оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини оширишга оид таҳлилий, танқидий мақолалари бугун нафақат вилоят, балки республика газета-журналлари, интернет нашрларида эълон қилиб борилмоқда. Яқинда унинг биринчи китоби чоп этилди.

“Нафосатнинг қудрати” деб номланган ушбу китоб хотин-қизларнинг жамиятимиз ривожига қўшаётган улкан ҳиссаси, таъбир жоиз бўлса, бу йўлда кўрсатган қаҳрамонликлари баён этилган мақолалардан иборат. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Дилором Салоҳий, хизмат кўрсатган маданият ходими Зулфия Мўминова, халқ ўқитувчиси Феруза Ғаффорова ва бошқа эл ҳурматига сазовор бўлган аёллар билан суҳбатларида долзарб ижтимоий муаммолар кўтарилган.

Гулруҳ Мўминованинг мақолалари бошқаларникига ўхшамайди. Сабаби, у қоғозга олган ҳар бир мавзуни ҳаётий воқеалар, инсонлар тақдири билан боғлашга ҳаракат қилади. Шунингдек, бирёқламалик, тарафкашлик ёки нохолислик сингари иллатлардан холи ижод қилади.

Жамланмада ҳам ҳар ким ўз тақдири ҳақида сўзловчи мақолани топиши, уни ўқиб, хулосалар чиқариши, дунёқараши ўзгариши мумкин. Эътиборлиси, мақолаларда инсонларни қийнаётган муаммоларга эмас, балки уларнинг ечимига урғу берилган.

Китоб “Зарафшон” газетаси кутубхонаси” туркумида чоп этилди.

**Асқар БАРОТОВ.**

MATBUOT UYI
Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi
Bosh muharrir: Farmon TOSHEV
*Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 21 960 nusxada chop etildi. Buyurtma 160. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2*
***Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.***
QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E’LONLAR: (66) 233-91-56
BO‘LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug‘ Tursunov ko‘chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo‘limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: **G‘.HASANOV.**
Navbatchi: **D.TO‘XTAYEV.**
Sahifalovchi: **B.ABDULLAYEV.**

Saytimizga o‘tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X
9 772010 667009
Sotuvda narxi kelishilgan holda